


“КЕЛИШИЛДИ”
 Ўзбекистон Республикаси Президенти
 ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг
 ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя
 қилиш бўйича Вакил

 Д. Касимов
 «20» 12 2021 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
 ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан
 назорат қилиш инспекцияси бошлиғи

 А.Вахабов
 «10» 12 2021 йил

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида Агросаноат соҳасини назорат қилиш юзасидан саволномалар

РЎЙХАТИ

Т/р	Савол (текшириладиган масала, ҳолат)	Савол доирасида текшириш ваколати берилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат
1	Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, ёғ-мой корхоналарининг пахта техник чигитини тўлиқ технологик цикл (мағизни янчиш, гидротермик ишлов бериш, пресслаш, экстракциялаш, рафинациялаш, дезодорациялаш ва қадоқлаш цехлари)да мақсадли қайта ишлаганлиги ҳамда уларнинг маҳсулот сифатини тасдиқловчи гигиеник ҳулоса ва мувофиқлик сертификатларига эга эканлигини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон Қарори 2-банд “а” кичик банди учинчи хатбошиси; Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 сентябрдаги 200-сон қарори 5-банди иккинчи ва учинчи хатбошилари
2	Пахта хом-ашёси ва улардан қайта ишланган маҳсулотларни қабул қилувчи, сақловчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг асбоб-ускуналари, лаборатория жиҳозлари техник ҳолати, мавжуд синов ускуналари ҳамда ўлчов воситаларининг метрология текширувидан (қиёслашдан) ўтказилганлиги, шунингдек йўриқномалар, қўлланмалар ва стандартлар билан таъминланганлигини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарорига 1-илова 12-банд “г” ва “и” кичик бандлари
	Пахта, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ҳамда уларнинг уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотларнинг сифати, улардан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланилиши, уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобудгарчилигини камайтирилишини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарорига 1-илова 12-банд “г” ва “ж” кичик бандлари
	ишлаб чиқарилган пахта толасини ўз ишлаб чиқариш қувватлари ҳажмларини ва ишлаб чиқариш қувватидан ошадиган ҳажмларини	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.09.2019 йилдаги ПҚ-

	сертификатланиши ҳамда биржа савдолари орқали сотилиши, пахтадан олинган чигит, пахта мойи (жумладан, экстракция пахта мойи) ва қайта ишланган чигит чиқиндилари (шрот, шелуха) — ишлаб чиқариш ҳажмининг 100 фоизи биржа савдолари орқали сотилишини ўрганиш	4453-сон қарори 6-банди тўртинчи хатбошиси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.01.2018 йилдаги 53-сон қарори билан 2-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиси; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги ПҚ-5031-сон қарори 1-банди “б” кичик банди учинчи хатбошиси
	Пахтани қайта ишлаш корхоналари томонидан пахта хом ашёсини қабул қилиниши ва қайта ишланиши ва сифатли сақланиши ҳамда реализация қилиниши, нобудгарчилик бўйича белгиланган нормаларининг тўғри ва асосли қўлланилиши, маҳсулотнинг чиқиш нормаларига ҳамда сифатига риоя этилишини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарорига 1-илова 12-банд “г” кичик банди иккинчи хатбошиси ва бешинчи хатбошиси
3	Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини етиштириш бўйича давлат буюртмалари бажарилиши билан боғлиқ Ҳукумат қарорларининг бажарилишини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3683-сон Қарори 1-банди;
	нав оригинаторлари томонидан ишлаб чиқилган илмий асосланган тавсиялар асосида алмашлаб экиш ва агротехник тадбирлар белгиланган муддатларда ва меъёрларда сифатли ўтказилишини таъминлаш	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори, 12-банд, “д” кичик банди Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон қарори
4	Қишлоқ хўжалиги экинларини навлар вилоят, туман ва ҳудудлар кесимида оқилона жойлаштирилиши, ишлаб чиқариш шартномавий мажбуриятлари, прогноз кўрсаткичларининг ишончли шакллантирилиши ва бажарилишини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуни 16-17-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633 ва ПҚ-4634-сон қарорлар.
5	Танлов асосида аниқланган уруғлик пахта хом ашёси ва дон етиштирувчи субъектлар билан корхоналар, “Уруғчиликни ривожлантириш маркази”га қарашли элита уруғчилик хўжаликлар, илмий тадқиқот институтлари кластерлар ва уруғчилик кластерлари ўртасида қонунчилик ҳужжатларига асосан уруғлик харид қилиш ва уруғликни қабул қилиш бўйича шартнома тузилганлигини ва шартномада уруғлик учун етиштириладиган селекцион нави, авлоди ва микдори ҳамда бошқа шартлар кўрсатилганлигини ўрганиш.	

6	Илмий муассасалар, ўқув юртлари, тажриба майдонлари, “Уруғчиликни ривожлантириш маркази”га қарашли элита уруғчилик хўжаликлар, кластер, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик экин навларининг генетик софлигини таъминлаш чоралари кўрилганлиги, уруғлик учун алоҳида парваришланган ҳамда тегишли кўрсатма асосида уруғлик ва кўчат олиш учун режалаштирилган майдонларида сифатли апробация ишлари ўтказилганлигини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуни, 16-17 ва 19-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори, 12-банд, “д” кичик банди, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон қарорининг 3-илоvasи
7	Уруғлик майдонларни ўриш, териш, ҳосилни йиғиштириб олиш ишларини ўз муддатида тўғри ўтказилганлиги, бу жараёнда мавжуд қўлланма, йўриқномаларга амал қилиниши (техникаларнинг бошқа уруғлардан тозаланиши, навлар аралашиб кетмаслиги ва бошқа чоралари кўрилганлиги), комбайн ва бошқа ўриш, йиғиш техникаларнинг талабга жавоб бериши, яроқлилиги ҳамда экин турига қараб тегишли жиҳозлар билан таъминланганлигини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуни, 16-17-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон қарори
8	Нав ва дурагай уруғликларини қабул қилиш бошлангунига қадар уруғлик қабул қилувчи, сақловчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг асбоб-ускуналари, лаборатория жиҳозлари техник ҳолати, мавжуд синов ускуналари ҳамда ўлчов воситаларининг метрология текширувидан (қиёслашдан) ўтказилганлиги, шунингдек йўриқномалар, қўлланмалар ва стандартлар билан таъминланганлигини ҳамда кутилаётган юқори авлодли тўдаларнинг алоҳида уруғлик сақлаш омборларига жойлаштириш режасини ишлаб чиқилганлиги ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуни, 16-17 ва 26-моддалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3683-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори, 12-банд, “д” кичик банди, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон қарори, 4 ва 5-иловалари
9	Уруғликларни жойлаштириш ҳамда навли ва дурагай уруғлик билан боғлиқ жараёнларни расмийлаштириш учун керакли микдорда қоплар, ёрликлар, пломбалар, нав ҳужжатлари бланкалари микдорини тайёрлаб қўйилганлигини ўрганиш	
10	Уруғликларни белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида нав авлодлари бўйича қабул қилиши, жойлаштириш ҳамда қабул қилинаётган уруғликларни нав ҳужжати бўлмаганда, у тўлиқ тўлғазилмаганида ва ҳужжатда кўрсатилган уруғлик сифати тўғри келмаганда ушбу тўда оддий (товар, техник) сифатида қабул қилинганлигини ўрганиш	
11	Уруғларни дастлабки тозалаш, саралаш ва дорилаш (туксизлантириш) ишлари ўрнатилган тартибда тузилган ва тасдиқланган топшириқномага	

	асосан ўсимликнинг турига қараб белгиланган сақлаш (тиним даври)ни ўтаган ёки уруғлик тўлиқ физиологик етилгандан сўнг уруғларни тозалаш, саралаш ва дорилаш (туксизлантириш) ишларини амалга оширилишини ўрганиш	моддалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3683-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори, 12-банд, “д” кичик банди, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон қарори, 4 ва 5- иловалари
12	Уруғларни қадоқлаш ва қоплашда амалдаги стандартлар талабларига риоя қилиниши, бу жараёнда стандартлар талабларига жавоб берадиган қоп ва қадоқлардан фойдаланилишини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги ПҚ-4973-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон қарори, 4 ва 5- иловалари
13	Дориланган уруғликлар қадоқланаётган қоплар кимёвий воситалар ўтказмайдиган мустаҳкам сифатли материаллардан (3-қаватли қоғоз қоп) тайёрланиши, ортиш ва тушириш, пайтида чидамли бўлиши ҳамда қоплар оғзини тикиш ишларини механик равишда амалга оширилганлигини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги ПҚ-4973-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон қарори, 4 ва 5- иловалари
14	Бир турдаги экиннинг навлари ёки авлодларига қараб ёхуд бир-биридан қийин ажралувчи экин уруғларини (жавдар-буғдой, буғдой-арпа ва бошқа) белгиланган тартибда ва масофада (штабеллар, деворлар, йўлақлар, автоюклагичлар ўтиш йўлақлари ўртасида) сақлаш чоралари кўрилганлигини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон қарори, 4 ва 5- иловалари
15	Уруғликлар сақланаётган омбор айвонлар дезинфекция қилинганлиги ҳамда уруғлик сақлашда штабель баландлиги қоплар қатор сони ёки уюм баланлиги (эни ва бўйича) белгиланган давлат стандарти талабида кўрсатилганидан ошмайдиган ҳолда жойлаштирилиши ва сақланишини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуни, 16-17 ва 26- моддалари Ўзбекистон 2018 йил 17 апрелдаги
16	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган кишлок хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритилган, районлаштирилган ва истикболли навларнинг тарқатилиши ва улардан фойдаланилишини ўрганиш	

17	Уруғларни тарқатадиган (реализация) шахобчалар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан уруғларни сифатли етказиб берилиши ёки тақсимотга асосан тарқатилиши қоидаларига амал қилинишини ўрганиш	ПҚ-3683-сон қарори, 1-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон қарори
18	Корхоналардан маскан ва шахобчаларга уруғликларни ташишда ўсимлик турига қараб махсус шакллар ҳамда товар-транспорт юк хатлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар мавжудлигини ўрганиш	
19	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қишлоқ хўжалик экинлари уруғликлар ва кўчатларни олиб кириш ва олиб чиқиш ишларини норматив ҳукукий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилишини ўрганиш	
	Экинбоплик сифатларини аниқлаш натижаларига кўра белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқсиз деб топилган уруғликларга техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг қоидаларига мувофиқ қўшимча ишлов берилиши, уларни утилизация қилиниши ва (ёки) йўқ қилиниши ўрганиш.	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуни, 16-17 26-ва 29-моддалари, Ўзбекистон 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3683-сон қарори, 1-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 282-сон қарори,
	Қишлоқ хўжалиги уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғлар ва кўчат материалларининг сертификатлаш ишларини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонунининг 16-17-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сонли қарори
	Патент билан муҳофаза қилинадиган навлар ва дурагайларнинг уруғликларини етиштириш ҳамда улардан фойдаланишини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонунининг 16-17-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон қарори
	Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш ишларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг қоидаларига риоя этилишини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонунининг 16-17-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12

		октябрдаги 641-сон қарори
	Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлиги етиштиришда иштирок этувчи субъектларга устама маблағларни тўлаш тартиби бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бажарилишини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикаси “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонунининг 16-17-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон қарори
20	Автомобиль, темир йўл, омборхона, элеватор ва ўлчаш тарозилари ва лаборатория назорат-ўлчов асбобларини ўз вақтида давлат қиёсловидан ўтказилганлигини (корхоналарининг моддий-техника базаси ва дон қабул қилиш ва қайта ишлашга тайёргарлиги) ўрганиш	“Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 2020 йил 7 апрелдаги ЎРҚ-641-сон Қонуни. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 312-сон қарори 2-боб, 6-банди.
21	Дон партияларини шакллантириш ва уларни (синфлар бўйича) жойлаштирилиши, қорақуя, фузариоз, тошбақасимон кана ва кана (клев), бошоқли донга хос бўлмаган хидли, унган дон, шунингдек, зарарли ва кийин ажралувчи аралашмалар (O`z Dst 880:2015 да назарда тутилган) ва пестицидлар микдорини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 312-сонли қарори 3-боб, 17,18-банди.
22	Донни қабул қилиш корхоналарига қишлоқ хўжалик корхоналаридан (фермер ва ғаллачилик кластерлари) дон харид қилишни расмийлаштирилишини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган “Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг II-боби 9-бандидан 13-банди.
23	Қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндиларни расмийлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг VII-боби
24	Корхоналарда қабул қилинаётган, омборларда сақланаётган, қайта ишлашга берилаётган, ишлаб чиқарилаётган ва тарқатилаётган дон ва дон маҳсулотларини сақланаётган ўрта сменали (ўрта суткали) намуналари билан солиштириш, шунингдек амалдаги стандартларга мувофиқлигини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарорининг 2-боб 12 бандининг) кичик бандининг биринчи хат боши.

25	Маҳсулот ишлаб чиқарилиши миқдорини меъёрлар талабларига асосан тўғри ҳисобланишини текшириш, ҳисобланган ва ҳақиқий олинган маҳсулотлар миқдорларини солиштира таҳлили (117-ш) бажарилишини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Низом IX-бобнинг 102-110-бандлари.
26	Омихта ем тайёрлаш корхоналарида хом-ашё ва омихта емнинг сақланиши (дон ва дон чиқиндилари хом-ашёсини сифати текширилади). Омихта емнинг ишлаб чиқаришда тасдиқланган рецептурага риоя қилиниши, технологик жараёнга риоя қилинганлиги, 121-шаклдаги далолатноманинг ўз вақтида ва тўғри тузилганлигини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган “Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом XI-бобнинг 117-133 бандлари.
27	Ун ва ёрмаларнинг тўғри таҳланганлиги, штабелларни тахлаш тартиби ва муддатларига, шунингдек ташқаридаги ҳаво ҳарорати, омборхонанинг техник ҳолати ва қоп тараларининг сифатини ҳисобга олган ҳолда тахлаш баландлигига риоя қилиниши, ун, ёрма ва омихта емларни сифати ва ишлаб чиқарилиш муддатига қараб тарқатилиш навбатига риоя қилиниши, маҳсулотларни зарарсизлантириш бўйича ишларни бажариш тартибига риоя қилинишини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган “Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари. O'z Dst 1104:2021. O'z Dst 3240:2017.
	Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлашда уларнинг миқдор ва сифати бўйича тўғри аниқланиб сақланиши ҳамда ҳисоботларнинг тўғри юритилишини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4634-сонли қарорининг 9-банди ва 1-илоvasи 15 банди.
	Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш шароитлари, зараркунандалар ривожланишига қарши чоралар кўрилишига риоя қилинишини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 312-сонли қарори 5-боб, 33-банди.
	Дон ва дон маҳсулотларини чиқим (реализация) қилишни расмийлаштирилишини ўрганиш.	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сонли қарорининг 2-боб 12-бандиг) кичик банди биринчи хат боши. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган Низом V-бобнинг 32-59 бандлари.

	Донни куриштиш ва тозалаш бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларни ўрганиш.	Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг VII-бобнинг 68-81- бандлари.
	Донни қайта ишлаш тегирмонларида технологик жараёнларга риоя қилиниши, ишлаб чиқариш корпусларини тозалаш ва ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини ўрганиш.	Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг VIII-бобнинг 82-101 бандлари, IX-бобнинг 102-110-бандлари, X-бобнинг 111-116-бандлари.
	Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш жойларини, шунингдек қолдиқда сақланаётган дон ва дон маҳсулотларининг сақлаш жойларини ўрганиш.	
	Дон ва дон маҳсулотларининг миқдори ва сифатини ҳисобга олинишини, ва хатловдан ўтказиш ишларининг белгиланган тартибда тўғри бажарилишини ўрганиш.	Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг XV-бобнинг 151-177 бандлари ва XVI-бобнинг 180-банди.
	Доннинг нобудгарчилиги бўйича белгиланган нормаларнинг тўғри ва асосли қўлланилиши, табиий камайиш ҳисобига етказилган зарарларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш ҳамда тозалов далолатномаларини ўз вақтида ва тўғри тузилишини ўрганиш.	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сонли қарорининг 2-боб 12 бандининг г) кичик бандининг иккинчи, тўртинчи ва олтинчи хат бошилари. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг XVI-бобнинг 178-196 бандлари.
	Тозалов далолатномаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини ўрганиш.	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сонли қарорининг 2-боб 12 бандининг г) кичик бандининг олтинчи хат боши. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-илоvasи.
	Донни сотиб олиш, қайта ишлаш ва сақлаш ва қадоқлашда дон хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент талабларига риоя қилиниши ўрганиш.	Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 31 мартдаги “Дон хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги 99-сонли қарорининг 48-банди.
	Ун, ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, қадоқлаш ва уни	Ўзстандарт агентлигининг 2016 йил 17

	реализация қилишда “Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги техник регламент талабларига риоя қилинишини ўрганиш.	ноябрдаги “Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги махсус техник регламент МТР-7 қарорининг 6-боби, 73-банди.
28	Уруғлик қабул қилувчи дон ва пахта тозалаш корхоналари қошидаги синов лабораторияларида фойдаланилаётган ўлчов воситаларни ва синов ускуналарини давлат қиёслов кўригидан ўтказилганлигини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори “Метрология тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги ҳамда “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунлар Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарори
29	Лабораторияларда ишлайдиган ходимларнинг малакаси ҳамда ўтказиладиган таҳлилларни ҳаққоний ва холисона бажаришини ўрганиш	
30	Дон корхоналари ва пахта тозалаш корхоналарининг уруғлик сақлаш омборларига меъёрий талаблар аниқ белгиланлиги, кохоналарда сақланаётган уруғликларни сақлаш бир хилда ташкил этилганлиги, назорат органларининг, омборларда уруғликларни сақлаш талабларига қай даражада риоя этилишини ўрганиш	
31	Ветеринария-санитария экспертиза лабораторияларда ишлатиладиган ўлчов воситалари ва синов қурилмалари белгиланган муддатларда давлат қиёслов кўригидан ўтказилганлигини ўрганиш	
32	Қишлоқ хўжалиги экинларини ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан (ҳудудларнинг географик жойлашган ўрни, тупроқ унумдорлиги (балл-бонитети), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имконияти бўлган ер майдонларининг мавжудлигини, ер майдонларининг сув, зарур қишлоқ хўжалиги техникалари ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички бозор эҳтиёжини қондириш даражаси ва ташқи бозордаги талаби, бир турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришга ихтисослаштиришга эътибор қаратилганлигини, сув танқис бўлган ҳудудларда сувни кам талаб қилувчи, сувсизликка чидамли ва сув тўплаш хусусиятига эга бўлган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришини, экин турлари бўйича контур яхлитлиги таъминланганлиги, охириги 3 йилда олинган ҳосилдорлиги ва ўтмишдош экин турларига мослиги ва жойлаштирилишини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банд “а” кичик банди учинчи хатбоши. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 505-сонли қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилona жойлаштириш тартиби тўғрисида низом.
33	Қишлоқ хўжалиги экинларини экилиши учун ер майдони тайёрланганлигини, шунингдек, маҳаллий ва минерал ўғитлар ерга солинганлигини, шудгор қилинганлигини, шўр ювиш ишларини амалга	

	оширилганлигини, пушта олиш ишларини ўтказилганлигини, ер майдони текисланганлигини, мола босилганлигини, борана қилинганлигини, чел олинганлигини ва чел текисланганлигини, ўқ ариқ олиш, экиш ишларини мақбул муддатларда, сифатли амалга оширилганлигини ўрганиш	
34	Қишлоқ хўжалиги экинларини парвариш қилишда агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, экин экилган майдонларда қатқалоқни юмшатишни, экинларнинг қатор орасига ишлов беришни, экинларни ягона қилишни (экин турига қараб), минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантиришни, минерал ўғитлар захираси яратилганлигини, чопиқ қилиш ва бегона ўтларга қарши курашни, экинларни ҳашорат, зараркунанда ва касалликларига қарши биологик ва кимёвий курашишни, биологаториялар фаолиятини ва улар томонидан биомехсулотлар ишлаб чиқарилишини, кимёвий воситалар захираси яратилганлигини, суғориш ўтказилганлигини, экин турига қараб экинларни чилпиш (чеканка қилиш) ва дефолиация қилинишини, ҳосилни ўриб, йиғиб, териб олишни ва ҳосили йиғиб олинган майдонлардан ўсимлик қолдиқларини тозаланганлигини ўрганиш	
35	Чорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилишини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисида”ги Низомининг 2-боб, 12-банд “ж” кичик банди.
36	Чорвачлик тармоқларида наслчилик бўйича шаклларни юритилиши ахволини ўрганиш	
37	Зотли моллар етказиб берувчи корхоналар ҳамда улар томонидан етказиб берилган ҳайвонларнинг сифати (наслдорлик) кўрсаткичларини ўрганиш	
38	Республикага районлаштирилган насли қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини парваришланиши, уларни зооветеринария талаблари асосида сақланиши, такрор кўпайтирилиши ҳамда белгиланган рацион асосида боқиш орқали махсулдорлигини ошириб бориш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш.	
39	Ҳайвонлар зотининг наслини такомиллаштириш мақсадида хориждан олиб келинган наслдор ҳайвонлар билан тўлдириб борилиш ҳолати ва селекция-наслчилик ишларида она моллар ҳамда урғочи ёш моллар четдан келтирилган махсулдорлиги юқори ҳисобланган наслдор букаларнинг уруғлари билан сунъий уруғлантирилаётганлиги ахволини ўрганиш	
40	Импорт қилинган насли махсулот (материал)ларга қуйилган талабларга	Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил

	мувофиқ танланганлик ҳолатини ўрганиш	8 сентябрдаги 252-сон қарори билан
41	Карантин муддати тамом бўлгандан сўнг насли маҳсулот (материал) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ўрганиш.	тасдиқланган низомнинг 8-банд “л” кичик банди иккинчи хатбошиси ва 11-банд.
42	Насли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низом талабларига риоя этилиш ҳолатларини ўрганиш.	“Насли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги низом. (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 9 апрелда 2574-сон билан рўйхатдан ўтказилган).
43	Чорвачилик йўналишидаги асосий устувор вазифалар ва ишлаб чиқилган дастурларнинг ижросини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасини 2021 йил 15 мартдаги 135-сон қарори 5-банди учинчи хатбоши.
44	Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидиялар ажратилиши ҳолатини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасини 2021 йил 12 июлдаги 434-сон қарори
45	Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича шартномалар тузилганлигини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарорига 1-илоvasи билан тасдиқланган Низомнинг 12-банди “ё” кичик банди Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 56, 58, 59 ва 61-банди
46	Сув истеъмолчилари томонидан сув олишнинг белгиланган лимитларига риоя этилганлигини ўрганиш	
47	Сув манбаидан сув олиш учун буюртманом ва рухсатнома асосида сув олинганлигини ўрганиш	
48	Сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланган ҳолда сув олаётганлигини ўрганиш	
	Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга тегишли рухсатнома асосида фойдаланаётганлигини ўрганиш.	
	Сунъий сув объектларидан сув олишга рухсат этилмаган жойлардан сувни рухсатсиз, ўзбошимчалик билан олиш ҳолатларини ўрганиш.	
	Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш ҳолатлари ўрганиш.	
	Сувдан оқилон ва самарали фойдаланилиши ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этилишини ўрганиш.	
	Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари тузилганлиги ва унга амал қилинганлигини ўрганиш.	
	Суғориш учун берилган сувларнинг коллектор-дренаж тармоғига ва бошқа	

	сув объектларига оқизиб юборилишига, экин майдонларни кўллатиб, сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик чоралари кўрилганлигини ўрганиш.	
	Сув объектларидан олинадиган ва уларга қўйиладиган дастлабки сув миқдорининг ҳисоби тўғри ва аниқ юритилаётганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган Низомнинг 12-банди “ё” кичик банди
	Ирригация ва мелиорация тизимлари, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг самарали ишлатилишини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарорига 1-илоvasи билан тасдиқланган Низомнинг 12-банди “ё” кичик банди
49	Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда жорий этилган сувни тежайдиган технологиялардан мақсадли ва самарали фойдаланаётганлигини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарори 2-банд, “ё” кичик банди ҳамда қарор билан тасдиқланган Низомнинг 20-банд, олтинчи хатбоши ва 39-банди.
50	Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартларига риоя этишини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 86-банди
51.	Юридик шахслар балансида бўлган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг мавжудлиги	ВМасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. ВМсининг 2019 йил 19 апрелдаги 325-сон қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган Низом”
52.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, техник паспорт, давлат рақами белгиси ва гувоҳноманинг мавжудлиги	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. ВМсининг 2019 йил 19 апрелдаги 325-сон қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган Низом

53.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасининг мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказилганлиги, техник кўрикдан ўтмаган техникаларнинг қайта кўриқга тақдим этилганлиги	ВМсининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги 325-сон қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган Низом
54.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасини мавсумдан кейин ёки носозларини сақлашга қўйиш қўйиш қоидаларига риоя этилиши: - сақлашга қўйилган техникаларга масъул шахсларнинг буйруқ билан тайинланганлиги; - техника сменадан кейин белгиланган жойда сақланаётганлиги.	ВМсининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. ГОСТ-7751-2009 давлатлараро “Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган техникаларни сақлаш Қоидаcи”
55.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасидан фойдаланишда: - йўлга чиқариш варақасининг мавжудлиги; - транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари мавжудлиги; - ишончноманинг мавжудлиги; - фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисининг мавжудлиги; - техника воситасининг техник жиҳатдан фойдаланиш талабларига жавоб бериши.	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Регламенти
56.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасининг техник ҳолати: - конструкциясининг хавфсизлик талабларига жавоб бериши; - бутловчи қисмларининг тўлиқлиги ва яроқчилиги; - соз ёки носоз ҳолатда эканлиги; - техника носозлиги учун фойдаланиш таъқиқланганлиги; - мото-соат кўрсаткичларининг ишлаши.	ВМсининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Регламенти
57.	Техникалардан шартнома(ижара) асосида фойдаланишнинг қонунийлиги: - бошқа юридик ёки жисмоний шахсга фойдаланишга берилганда ижара	ВМсининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг

	шартномасининг мавжудлиги ва рўйхатдан ўтказилганлиги; - шартнома шартларининг бажарилиши; - юридик шахснинг техникаси ишдан ташқари вақтда асосли фойдаланаётганлиги.	2-боб, 12-банди “з” қисми. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги 325-сон қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган Низом
58.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасини таъмирлаш учун олинган эҳтиёт қисмларни сақлаш, ўрнатиш тартибларига риоя қилиниши: - сақлаш омборхонасининг мавжудлиги; - сақлашга масъул шахснинг буйруқ билан тайинланганлиги; - эҳтиёт қисмларни омборхонада махсус тагликларга жойлаштирилиши; - омборхонада эҳтиёт қисмларни кирим-чиқим ҳужжатларининг мавжудлиги; - техникага ўрнатилган эҳтиёт қисмларга талабнома ва ўрнатиш далолатномаларининг мавжудлиги	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. ГОСТ-7751-2009 давлатлараро “Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган техникаларни сақлаш Қоидаси”
59.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасини ҳисобдан (списание) чиқарилиш талабларига риоя этилиши: - субъектнинг ҳисобдан чиқарилиши режалаштирилган техника буйича корхона буйруғи билан комиссия тузилганлиги; - комиссия аъзолари томонидан ҳисобдан чиқарилаётган техника ўрганилиб, Н-1А шаклидаги далолатнома тузилганлиги ва тасдиқланганлиги; - техникани ҳисобдан чиқариш учун юқори турувчи ташкилот ёки акциядорларнинг умумий йиғилиш баёни, қарори, буйруғи, рухсатининг мавжудлиги; - ҳисобдан чиқарилиши режалаштирилган техниканинг яроқли қисмлари омборхонага кирим қилинганлиги, бошқа техникага ўрнатиш буйича далолатноманинг мавжудлиги; - ҳисобдан чиқарилган техниканинг Инспекция рўйхатидан чиқарилганлиги.	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. Адлия вазирлигида 29.08.2004 йилда 1401-рақам билан рўйхатга олинган “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низом
60.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини янгилаш бўйича давлат дастурларининг бажарилганлиги	ВМсининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми.

		Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарори, баённомалари
61.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ишлаб чиқарувчи корхонада техникани модернизация қилиш ва янги намуналарини ишлаб чиқариш бўйича режа-дастурларнинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши	ВМсининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. “Ўзавтосаноат” АЖнинг топшириқлари, ишлаб чиқариш корхонасининг буйруқлари
62.	Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ресурсларни тежовчи замонвий техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда давлат синовидан ўтказилганлиги: - янги русумда ишлаб чиқарилган, модернизация қилинган ёки четдан келтирилган техниканинг давлат синовига тақдим этилганлиги; - давлат синов натижаларида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилганлиги; - якуний синов натижаларининг мавжудлиги ва ижобийлиги; - синовдан ўтказилган техниканинг реестрга киритилганлиги.	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. ВМсининг 2013 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш марказининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 214-сон қарори
63.	Ишлаб чиқариш ёки таъмирлаш корхоналарида техникани юклашдан олдин унинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш: - юридик ёки жисмоний шахс ўртасида техника сотиб олиш ёки таъмирлаш бўйича шартноманинг мавжудлиги; - тайёрланган техниканинг шартномадаги техниканинг рақамларига мос келиши; - техниканинг Регламент талабларига мослиги	ВМсининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган умумий Регламент талаблари
64.	Тракторчи-машинистларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш давлат ёки нодавлат ўқув муассасаларида моддий-техника базасининг ҳолати: - ўқув муассасасида камида 48 кв.м майдонга эга хоналар билан таъминланганлиги; - 25 нафар шахс учун стол, стул, компьютер, техника макет ёки кўргазмали	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19

	плакатлар билан жиҳозланганлиги; - тракторчи-машинистларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш учун малакали ўқитувчининг буйруқ билан тайинланганлиги; - фуқароларнинг малакасини ошириш учун тегишли техника билан таъминланганлиги ёки ташкилот билан шарномавий иш ташкил этилганлиги; - соҳа буйича ўқув дастурининг мавжудлиги; - Инспекциянинг туман(шаҳар) бўлими томонидан моддий техник база бўйича хулоса берилганлиги; - нодавлат муассасага Вазирлар Маҳкамаси ҳузаридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан берилган рухсатноманинг мавжудлиги.	апрелдаги 325-сон қарорининг 3-илоvasи билан тасдиқланган Низомнинг 2-боби
65.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникасини бошқараётган шахснинг тракторчи-машинист гувоҳномаси мавжудлиги ва бошқариладиган техника тоифасига мослиги	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги 325-сон қарорининг 3-илоvasи 1-боби 3-4-қисмлари
66.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларидан фойдаланишда тракторчи-машинистлар томонидан хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 2-боб, 12-банди “з” қисми. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган умумий Регламент талаблари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан
назорат қилиш инспекцияси
Маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи



А.Юлдошев